

**Агентликда бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринлари учун номзодларга қўйиладиган талаблар ҳақида
МАЪЛУМОТНОМА**

Агентликда жорий йилнинг 17 февраль куни ҳолатига **10** та штат бирлиги вакант бўлиб турибди.

Шундан, **7** таси бошқарув ходимлари, **3** таси техник хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ўрни вакант бўлиб турибди.

Агентликда бўш иш ўринларига ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринлари учун номзодларга қўйиладиган талаблар ҳуқуқий жихатдан тартибга солинган.

Хусусан, ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2018 йил 7 июндаги 185-ум-сон буйруғи билан тасдиқланган “Адлия органлари ва муассасаларида кадрлар билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

Низом талабига кўра, Агентликка ходимларни ишга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилиши белгиланган. Танлов Агентликда кадрлар таркибини ишчанлик, шахсий ва ахлоқий фазилатлари, маълумот даражаси ва соғлиғига кўра юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришга лаёқатли бўлган ходимлар билан таъминлаш мақсадида ўтказилиши, танлов Агентлик раҳбарлари томонидан ташил этиладиган ишга қабул қилиш бўйича махсус комиссия томонидан ўтказилиши белгиланган.

Танлов қуйидаги босқичлардан иборат:

- бўш иш ўрнига танлов ўтказилиш ҳақида эълон бериш;
- бўш иш ўрнига ҳужжат топширган номзодларни дастлабки ўрганиш;
- номзод билан унинг назарий билимлари ва касбий лаёқатини аниқлаш юзасидан суҳбат ўтказиш;
- номзоднинг назарий билимлари ва касбий лаёқатини аниқлаш юзасидан тест ўтказиш;
- номзодни вазирлик марказий аппарати билан келишиш.

Низом талабига кўра, Агентликка жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкый ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублигидан қатъий назр, ўзининг касбий, ишчанлик, шахсий ва ахлоқий фазилатлари, маълумот даражаси ва соғлиғига кўра адлия органларига юклатилган вазифаларни бажаришга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ишга қабул қилиниши белгиланган.

**Кадрлар билан ишлаш бўйича
бош мутахассис**

Ш.Абдуллаев

